

## **ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДА САЛБИЙ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ ВА УНИ БАРТАРФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Исмоилов Вохид Зоҳид ўғли**

Қарши давлат университети талабаси

+998939691098, vohidbekismoilov85@gmail.com

### **Аннотация**

Мазкур мақолада вояга етмаганлар орасида ўқишга нисбатан салбий муносабат, қонунбузарлик ҳолатлари уларнинг пайдо бўлиши сабаблари, бундай ноҳуш ходисаларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар хулқида негатив одатларни бартараф этиш йўллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, хулқ-атвор, тарбия, салбий муносабат, баркамол, коррекция, онг, тафаккур

### **Аннотация**

В данной статье рассматривается негативное отношение к чтению среди несовершеннолетних, причины их появления в случаях нарушений, профилактика подобных неприятных явлений, способы устранения негативных привычек в поведении несовершеннолетних.

**Ключевые слова:**вояга етмаганлар, хулқ-атвор, тарбия, салбий муносабат, баркамол, коррекция, онг, тафаккур

### **Annotation**

This article discusses the negative attitude to reading among minors, the causes of their occurrence in cases of violations, the prevention of such unpleasant phenomena, ways to eliminate negative habits in the behavior of minors

**Keywords:** minors, manners, upbringing, negative attitude, harmonious, correction, consciousness, thinking

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясида ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро хуқуқий хужжат-БМТнинг Ёшлар хукуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишини таклиф этди. Шу муносабат билан ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги, сайёрамизнинг эртанги куни фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб камолга этиши билан боғлиқлиги таъкидланди.

Мустақиллигимизнинг ilk кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланганлиги ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми ҳисобланади. Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол ўсиши ота-она бахти, оила қувончи эканлиги билан бирга, юртимизнинг бугуни ва келажагини белгиловчи муҳим омил саналади. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси” туғрисидаги Қонунда вояга етмаганлар профилактикаси бўйича таълим муассасалари зиммасига алоҳида яъни, вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва касб-хунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлигининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатиш, ривожланишида ёки хулқ-авторида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни комплекс текширувдан ўtkазиш ҳамда уларнинг келгусидаги таъминоти, тарбияси ва таълими шаклларини белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тузиш вазифалар юклатилган бўлиб бу борада катор ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, амалга оширилаётган чора тадбирларга қарамасдан, ҳозирги кунда вояга етмаганлар орасида ўғриликка мойиллик, оиласија шароитга, ота она муносабатига нисбатан норозилик ҳолатлари ҳанузгача учраб турибди. Буларнинг асосий сабаби сифатида вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ва психологик тадбирларнинг сустлигини кўрамиз. Айни пайтда вояга етмаганлар орасида ўқишга нисбатан салбий муносабат, қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Бу - вояга етмаган ёшдаги айrim ўсмирларнинг руҳан нимжонлиги, шу ёшга хос кайфият тартибсизлиги, психологик қарашлар ва фикрлашлар оқибатидир. Шунингдек, юқоридаги каби салбий хулқ авторнинг пайдо бўлишига бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Жумладан ўқув малакалари тўла таркиб топмаганлиги сабабли нисбий билим олиш билан қаноат хосил қилиш, ўзлаштириш қобилиятининг суст ривожланганлиги, муайян вазиятларда хукм ва холоса чиқаришда қийинчиликка дуч келиш, ўқитувчилар томонидан ўқувчига объектив баҳо берилмаслиги, ўқитувчи томонидан боланинг индивидуал-психологик ва интеллектуал имкониятига етарлича эътибор берилмаслиги, ўқитиш савиясининг пастлиги, дарсларнинг ноитрерфаол ўтилиши, ўқувчининг синф жамоаси билан яхши алоқада бўлмаслиги ва бошқалар. Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига сабаб бўлади. Жамоа аъзолари бундай ўқувчининг қарашларини вақти-вақти билан ҳисобга олишлари яхши натижада бериши мумкин. Вояга етмаган болаларнинг фикр ва қизиқишиларини жамоанинг қўллаб қувватламаслиги ёки бепарволиги уни қонунбузарликка ундейди ва гиёҳвандлик каби салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада бола учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилиб, ўқишидан ва жамоадан юз ўғирган ўсмир ўз келажагини, орзу умидларини мактаб ва тенгдошлари фаолиятига боғлашдан кўра, янги “дўстлари” билан алоқа қилишни афзал кўради ва

бошқа кишилардан нажот излайди. Бунинг натижасида вояга етмаган бола носоғлом хулқли болалар тұдасига тушиб қолади ва улар хулқ –авторига хос бўлган характерга эга бўлади. Бундан ташқари, оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда ўсмир учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли улар нохуш ҳолат билан, ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Бундай вояга етмаганлар дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан кун авж олиб, ички қўзғолонга айланиб боради. Бундан ташқари, ота- она ўртасидаги муносабатларнинг носоғломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларга ружу қўйишлари ҳам уларнинг рухий дунёсига таъсир кўрсатади. Кўпинча, вояга етмаганлар орасидаги тарбияси қийинлик оиладаги ва таълим тизимидағи педагогик қаровсизлик натижасида юзага келади. Бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш учун вояга етмаганларга ана шундай ўткинчи рухий ҳолатлар ҳақида тушунчалар бериш лозим. 13-модда. Тарбияси қийин ўсмирларни ўрганишда ижтимоий муҳитдан ташқари педагогик- психологик сабаблар мавжудлигини ҳисобга олиш, қонунбузарликни келиб чиқиш сабабларини диагностика ёрдамида аниқлаш, тарбияси қийин ўқувчилар шахсини аниқлаш уларнинг психологик муносабатларини инобатта олган ҳолда типологиясини тузиш типологик хусусиятларга биноан индивидуал иш олиб бориш, қонунбузарликни олдини олиб ва тарбияси қийин болаларни қайта тарбиялаш методларини амалга тадбиқ қилиш, бу муаммони ечилишига ёрдам беради. Шунингдек, хулқида негатив одатлари мавжуд вояга етмаганлар билан психокоррекцион ишларни ўтказиш ва ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар учун консультация ишларини олиб бориш ўқитувчиларнинг психологик саводхонлигини ошириш фаолиятини уюштириш ишларига масъулият билан ёндашиш, тарбияси қийин болалар ва ўсмирларнинг психологик хусусиятларини ўрганиб хулқ авторни меёrlаштиришга доир аниқ психологик-педагогик тавсиялар, кўрсатмалар ишлаб чиқиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи “Ҳалқ сўзи”, 2017 й, 23 сентябрь №192 (6886).
2. Ўзбекистон Республикасинингқонуни “Вояга етмаганлар
3. ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси” Т., ЎРҚ- 263-сон 2010 йил 29 сентябрь
4. Климов Э.А. Общая психология. Спб Питер . 2001.
5. Фозиев Э.Ғ. Онтогенез психологияси: назарий-экспериментал таҳлил. “Noshir” , Тошкент:-2010.-360 б.